

ҳисобланади. Бундай схемада жойлаштиришда гектардаги ўсимликлар туп сони: $166 \times 222 = 36852$ донани ташкил қилади. Демак, катта қончўп ўсимлигининг ер устки фитомасса ҳосили ўсимликларни 60×45 см схемада жойлаштиришда 10348 кг кўк ёки 1315,6 кг қуруқ массани ташкил қилади.

Хулосалар:

фенологик кузатув натижалари шуни кўрсатдики, ўсимликнинг баҳорги қайта ўсиши март ойининг биринчи ўн кунлигидан бошланиб, ўсимлик март-апрель ойларида жадал ўсиб ривожланади ва май-июнь ойларида 2 маротаба гуллаб уруғ ҳосил қилишга улгуради;

ўсимликларнинг гуллаш ва уруғ ҳосил қилиш фазаларида бўйига ўсиш кўрсаткичлари жорий йилда ўртача 68-69 см га етиб, ҳар бир тупида ўртача 13,3 дона/туп генератив новдалар ҳосил бўлади;

ўсимлик июнь ойигача 2 маротаба гуллашга улгуради ва уни 2 маротаба ўриб олиш мумкин. Биринчи ўримда модель тупларининг индивидуал ер устки фитомасса ҳосили ўртача 201,0 г/туп кўк ёки 24,3 г/туп қуруқ, иккинчи ўримда мутаносиб равишда 79,8 г/туп ва 11,3 г/туп, жами икки ўримда 280,8 г/туп кўк ва 35,7 г/туп қуруқ масса ҳосилини тўплайди. Ўсимликларни 60×45 экиш схемасида жойлаштиришда ҳар бир гектар ердан 10,3 т кўк ёки 1,3 т қуруқ ер устки фитомасса ҳосилини олиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20-майдаги ПҚ-251-сон “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. UzLex.

2. Бейдеман И.Н. Изучение фенологии растений. // Полевая геоботаника. – М.-Л., 1960. –Т.2. –С.333-366.

3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. М.: “Колос”, 1979.- 416 с.

4. Раббимов А., Хамраева Г.У. Чўл озуқабоп ўсимликлари интродукцияси ва селекцияси бўйича услубий тавсиялар. Самарқанд, 2026. – 48 б.

УЎК: 633.14

ЧОРВАЧИЛИҚДА ОЗУҚА БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ОРАЛИҚ МУДДАТДА ЭКИЛАДИГАН БОШОҚЛИ ЭКИНЛАР

Т.П.Ахмедов-к.х.ф.д., Озуқа етиштириш, озуқабоп экинлар селекцияси ва уруғчилиги бўлими бошлиғи

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Чорва молларини тўлақонли озиқлантиришда авваламбор озуқа базаси яхши бўлиши керак. Озуқа базасини яхшилашда оралиқ экин сифатида бошоқли экинларни экиб етиштириш мақсадга мувофиқ. Оралиқ экинлар бир майдондан икки марта ҳосил олиш имкониятини яратади ва шунинг ҳисобига ҳар бир гектар ердан олинадиган озуқа бирлиги ҳажмини оширишга хизмат қилади. Кузги муддатда оралиқ экин сифатида экинлардан бири жавдар ҳисобланади. Жавдарни дон учун етиштиришда энг мақбул кўчат

қалинлигини аниқлаш долзарб аҳамиятга эга ҳисобланади. Ушбу мақолада жавдарнинг Шалола навини ҳар хил меъёрларда экилганда ўсимликлар ўртача бошпоя баландлиги кўрсаткичларини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Чорвачилик, озуқа базаси, оралик экинлар, ҳосилдорлик, жавдар, бошпоя баландлиги, дон.

Summary. To ensure adequate nutrition of livestock, the primary task should be to create a good forage base. To improve the forage base, it is advisable to grow grain crops as intermediate crops. Intermediate crops create the possibility of obtaining a harvest twice from the same area and, therefore, contribute to an increase in the volume of feed units obtained from each hectare of land. One of the crops used as intermediate crops in the autumn period is rye. Determining the optimal density of seedlings when cultivating rye for grain is of current importance. This article presents data obtained as a result of studying the average height of plant stems when sowing rye of the Shalola variety with different seeding rates.

Key words: Livestock, forage base, intermediate crops, productivity, rye, stem height, grain.

Кириш. Чорвачиликни янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари маҳсулдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини сезиларли даражада ошириб бориш бугунги кунда муҳим вазифалардан бири бўлиб турибди. Бунинг учун эса соҳада мустаҳкам озуқа базасини яратиш, тупроқ иқлим шароитларига ҳам боғлиқ ҳолда ҳар бир гектар ердан етиштириладиган озуқа бирлигини ошириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишда кузги оралик экинларни экиб етиштириб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Оралик экинлар - алмашлаб экиш тизимидаги асосий экинлар ҳосили йиғиб олингандан кейин экиладиган кўшимча экинлардир. Интенсив алмашлаб экишда бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш имконини беради, тупроқни эрозиядан асрайди. Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик минтақаларида жавдар, арпа, сули, нўхат, шабдар, берсим ва бошқалар оралик экинлар сифатида экилади. Оралик экинлар кузда экилиб, баҳорда кўк озуқа учун ўриб олинади, ўрнига асосий экин тариқасида маккажўхори, жўхори, суданўти ва бошқа озуқабоп экинлар экилади.

Жавдар (*Secale*) - ғалладошлар оиласига мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми, дон экини. Кичик ва Ўрта Осиёда, Эрон, Афғонистон, Кавказ, Жанубий Африкада ўсади. Жавдарнинг ватани Кавказ, Кичик ва Ўрта Осиёнинг тоғ олди минтақалари ҳисобланади. Кузги ва баҳорги шакллари бор, асосан кузгиси экилади. Жаҳон бўйича экин майдони 9,9 млн. га ўртача ҳосилдорлик 20,3 ц/га, ялпи ҳосили 20,1 млн. тоннани ташкил этади. Асосан Европа мамлакатларида кўп экилади [1-15].

Тадқиқот мақсади. Олиб борилган тадқиқотнинг мақсади жавдарнинг янги яратилган Шалола навини ҳар хил меъёрларда экилганда бошпоя баландлиги ўзгарувчанлигини ўрганиш бўлган.

Тадқиқот усуллари. Илмий тадқиқотларда дала, лаборатория тажрибалари, фенологик кузатувлар умумқабул қилинган услубий қўлланма ва уруғликнинг сифат кўрсаткичлари ЎзДСт 2823:2014 дан фойдаланилди. Олинган натижалар Б.А.Доспехов “Методика полевого опыта” (М.1985) ва замонавий дисперсион услубларида статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижалари. Ҳар хил меъёрларда экилган вариантлардаги ўсимликлар бир қатор қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганилди, жумладан бошпоя баландлиги ўрганилди.

Жавдарнинг янги Шалола нави ҳар хил меъёрларда экилган тажриба кўчатзорида ўсимликларда бошпоя баландлиги ўлчаб чиқилганда, бошпоя баландлиги 30 см дан 48 см гача оралиқда бўлганлиги кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Жавдарни турли хил меъёрларда экилган тажриба кўчатзорида бошпоя узунлиги кўрсаткичлари, см

Вариантлар	n	Диапазон (минимум- максимум)	Бошпоя узунлиги, см	σ
			$X \pm S_x$	
1-вариант, 2,5 млн. туп/га	80	120-147	133,4 $\pm$ 3,7	4,5
2-вариант, 3,0 млн. туп/га	80	110-136	120,9 $\pm$ 3,8	4,3
3-вариант, 3,5 млн. туп/га	80	110-130	120,8 $\pm$ 3,1	4,2
4-вариант, 4,0 млн. туп/га	80	108-125	116,6 $\pm$ 3,9	5,1
5-вариант, 4,5 млн. туп/га	80	105-125	114,9 $\pm$ 3,8	4,7
6-вариант, 5,0 млн. туп/га	80	105-119	111,9 $\pm$ 3,7	4,6

Жавдар экинида экиш меъёрлари ўсимлик бошпоя баландлигига таъсири кузатилди. Бунда 2,5 млн туп/га меъёрда экилган 1-вариантда ўсимлик бошпоя баландлиги бўйича ўртача кўрсаткич 133,4 см ни, 3,0 млн туп/га меъёрда экилган 2-вариантда ўсимлик бошпоя баландлиги бўйича ўртача кўрсаткич 120,9 см ни, 3,5 млн туп/га меъёрда экилган 3-вариантда ўсимлик бошпоя баландлиги бўйича ўртача кўрсаткич 120,8 см ни, 4,0 млн туп/га меъёрда экилган 4-вариантда ўсимлик бошпоя баландлиги бўйича ўртача кўрсаткич 116,6 см ни, 4,5 млн туп/га меъёрда экилган 5-вариантда ўсимлик бошпоя баландлиги бўйича ўртача кўрсаткич 114,9 см ни, 5,0 млн туп/га меъёрда экилган 6-вариантда ўсимлик бошпоя баландлиги бўйича ўртача кўрсаткич 111,9 см ни ташкил этди. Экиш меъёри ортган сари ўсимлик бошпоя баландлиги пасайиб бориши кузатилди.

Шунингдек, жавдарнинг Шалола навини ҳар хил меъёрларда экилган тажриба кўчатзорида бошоқ узунлиги ўлчаб чиқилганда, бошоқ узунлиги 13 см дан 22 см гача оралиқда бўлганлиги кузатилди (2-жадвал).

Жавдар экинида экиш меъёрлари ўсимлик бошпоя баландлигига таъсири кузатилди. Бунда 2,5 млн туп/га меъёрда экилган 1-вариантда бошоқ узунлиги бўйича ўртача кўрсаткич 17,8 см ни, 3,0 млн туп/га меъёрда экилган 2-вариантда бошоқ узунлиги бўйича ўртача кўрсаткич 17,7 см ни, 3,5 млн туп/га меъёрда экилган 3-вариантда бошоқ узунлиги бўйича ўртача кўрсаткич 17,6 см ни, 4,0 млн туп/га меъёрда экилган 4-вариантда бошоқ узунлиги бўйича ўртача

кўрсаткич 17,3 см ни, 4,5 млн туп/га меъёрада экилган 5-вариантда бошоқ узунлиги бўйича ўртача кўрсаткич 17,0 см ни, 5,0 млн туп/га меъёрада экилган 6-вариантда бошоқ узунлиги бўйича ўртача кўрсаткич 16,4 см ни, ташкил этди. Экиш меъёри ортган сари бошоқ узунлиги қисқариб бориши кузатилди.

2-жадвал

Жавдарни турли хил меъёрларда экилган тажриба кўчатзорида бошоқ узунлиги кўрсаткичлари, см

Вариантлар	n	Диапазон (минимум- максимум)	Бошоқ узунлиги, см	σ
			$X \pm S_x$	
1-вариант, 2,5 млн. туп/га	80	15-22	17,8 $\pm$ 2,8	3,6
2-вариант, 3,0 млн. туп/га	80	14-20	17,7 $\pm$ 2,9	3,9
3-вариант, 3,5 млн. туп/га	80	14-20	17,6 $\pm$ 2,8	4,1
4-вариант, 4,0 млн. туп/га	80	14-20	17,3 $\pm$ 2,9	3,9
5-вариант, 4,5 млн. туп/га	80	14-20	17,0 $\pm$ 2,8	3,7
6-вариант, 5,0 млн. туп/га	80	13-19	16,4 $\pm$ 2,4	3,6

Хулоса. Олиб борилган тадқиқотлар натижасида олинган натижаларга асосланиб шундай хулоса қилиш мумкинки, жавдарни экиш меъёри ортган сари бошпоё баландлиги ва бошоғининг узунлиги камайиб бориши кузатилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. B.D.Allashov, M.X.Zulfikarov, F.Toreev. Effective agrotechnology for cultivation of forage crops. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science, 2020, 614 (1), 012159 <https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1755-1315/614/1/012159>

2. B.D.Allashov, M.X.Zulfikarov, M.N.Sattarov. Primary seed production of fodder crops. IOP Conference Series: Earth and Environmental Science 614 (1), 012160 <https://iopscience.iop.org/article/10.1088/1755-1315/614/1/012160>

3. Б.Аллашов, С.Жамолов Озукабоп экинларнинг иссиқка ва сув танқислигига бардошли нав, намуналарини танлаш. Ж. Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов." (2023).

4. Б.Аллашов, М.Бонни. Селекционные работы по улучшению кормовой базы сорго, овса и тритикале. 2024/10/11 Ж.Перспективы кролиководства: проблемы и решения. Том 1. №1. Ст. 110-113

5. БД.Аллашов, С.Г.Жамолов, Д.Р.Жураева Сувсизликка ва иссиқка чидамли булган озукабоп экинларнинг хорижий нав ёки намуналарини танлаш. Ж.Science and innovation. Special №8, С.285-296

6. Б.Д.Аллашов Миллий генбанкдан олинган оқжўхори намуналарини айрим қимматли хўжалик белгилари бўйича ўрганиш. 2024 Ж. Science and innovation. Том 3. №Special Issue 47. 574-579 бетлар

7. БД Аллашов, СГ Жамолов. Ozuqabop ekinlarda ayrim xo‘jalik belgilari bo‘yicha olib borilgan seleksiya ishlari. 2023/11/11 Ж. Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов. Том 1.№1.Ст. 227-230.

8. Б.Д. Аллашов Озуқабоп экинларни етиштириш. Тавсиянома. 64 бет. 2021 йил
9. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПТИ, Тошкент. 2007, 147 б
10. Доспехов Б.А. «Методика полевого опыта. 5-е изд.» - М.: Агропромиздат, 1985. 351 с
11. ДР Жўраева, БД Аллашов Маккажўхори етиштиришда инновацион усулда тайёрланган компостдан фойдаланиш. 2023 Ж. Science and innovation. Том 2. №Special Issue 8. 297-301 бет
12. Методика полевых опытов с кукурузой (Днепропетровск, 1984) услубий қўлланмаси
13. С Жамолов, Б Аллашов Маккажўхорининг хорижий тизмалари ривожланиш давлари. 2023/11/11 Ж. Актуальные проблемы пустынного животноводства, экологии и создания пастбищных агрофитоценозов. Том 1. №1. Ст. 236-239.
14. С.Ф Жамолов, БД Аллашов Кузги ва баҳорги муддатларда экилган озуқабоп экинларда олиб борилган селекция ва бирламчи уруғчилик ишлари. 2023 Ж. Science and innovation. №Special Issue 8. 302-306 бетлар.

УЎК: 633.31/37

ДУККАКЛИ ЭКИНЛАРНИНГ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖИЙ НАМУНАЛАРИНИ АЙРИМ ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК БЕЛГИЛАРИ

Ш.А.Маматова-таянч докторант

Т.П.Ахмедов- к.х.ф.ф.д., Озуқа етиштириш, озуқабоп
экинлар селекцияси ва уруғчилиги бўлими бошлиғи

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти

Аннотация. Дуккакли экинлар, айниқса беда экини қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланиш ҳамда чорвачиликда озуқа базасини яхшилашда муҳим дуккакли экинлардан ҳисобланади. Беда дуккакли сифатида чорва моллари учун тўйимли, сервитамин озуқабоп экин сифатида кенг фойдаланилади. Беданинг юқори ҳосилдор янги навларини яратишда хорижий намуналарни синаш ва уларни селекция ишларига жалб қилиш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Ушбу мақолада беданинг хориждан келтирилган ҳар хил нав, намуналарини бошпоя баландлиги кўрсаткичларини ўрганиш натижасида олинган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар. Чорвачилик, озуқа базаси, дуккакли экинлар, беда, ҳосилдорлик, бошпоя баландлиги, баргдорлик, сенаж.

Summary. The use of catch crops is of great importance for the efficient use of agricultural land and improvement of the forage base of livestock. Barley is also widely used as a winter catch crop and a forage crop for livestock. Testing foreign samples and involving them in breeding work is also of great importance for the creation of new high-yielding varieties of barley. The article presents data obtained from studying the height of the stem and the length of the ear of various barley samples imported from Turkey.

	yaylov unumdorligi va ekotizim xizmatlarini rivojlantirish bo'yicha ilmiy sharh (1991–2024)	
84	Xolmatov A.X., Xodjaev U.T. Ozuqabop ekinlarni hosildorligini oshirishda biogumusning ahamiyati	312
85	Ачилова Ш.С. Chelidonium majus l. ўсимлигининг экин шароитидаги баъзи биологик хусусиятлари	317
86	Ахмедов Т.П. Чорвачиликда озуқа базасини мустаҳкамлашда оралик муддатда экиладиган бошоқли экинлар	320
87	Маматова Ш.А., Ахмедов Т.П. Дуккакли экинларнинг маҳаллий ва хорижий намуналарини айрим қимматли хўжалик белгилари	324
88	Эрдонова М.М., Маматова Ш.А., Ахмедов Т.П. Бошоқли экин жавдарда бошпоя баландлиги	328
89	Эрдонова М.М. Озуқабоп экинларнинг хорижий намуналарини синаш ва баҳолаш	332
90	Эрдонова М.М. Арпанинг хорижий намуналарини айрим қимматли хўжалик белгилари	336
91	Xolto'raev Sh.Ch., Sultonov X.M., Xaitov J.T., O'rinov J.N. Qayrag'och urug'larining laboratoriya sharoitida unuvchanlik ko'rsatgichlari	340
92	Murzabaev B.A., Kantureyeva G.O., Tastanbekova G.R. Content of microelements on soils of Turkestan region for growing sudan grass	344
93	Егемкулов Н.А., Мурзабаев Б.А., Жылкибаев А.К. Проблемы и решения вопросов кормления пустынного животноводство на Юге Казахстана	349
IV. CHORVACHILIK VA VETERINARIYA SOHALARI DOLZARB MUAMMOLARI VA YECHIMLARI		
94	Прманшаев М., Аубакиров Х.А., Тлепов А.А. Состояние и перспективы развития козоводства Республики Казахстан	354
95	Аубакиров Х.А., Прманшаев М., Тлепов А.А. Молочная продуктивность завозных коз зааненской породы	365
96	Жаксылыков Е.К. Цифровизация и автоматизация животноводства и их современные информационные решения	371
97	Сергазиева М.Р., Галымжан Д.Е., Сапарбаева С.А. Современные направления совершенствования системы управления сельским хозяйством в Казахстане	374
98	Никитина И.А., Ятусевич В.П. Воспроизводительные качества кур родительского стада кросса «Росс-308» в зависимости от способа содержания	377
99	Косимов М.А. Динамика численности овец в России и Центральной Азии: тенденции и перспективы развития овцеводства	381
100	Власенко Е.В. Продуктивность молодняка овец породы тексель в условиях республиканского унитарного предприятия «Витебское племпредприятие»	385